

***Гидросфера. Сувнинг
айланма харакати.***



- **ГИДРОСФЕРА**
- **ТАБИАТДА СУВНИНГ АЙЛАНМА ХАРАКАТИ**



Гидросфера – ернинг сув қобиғи бўлиб, унга барча океан, денгиз, қул, оқар сувлар, музликлар, ер ости сувлари, ташқи ва ички сув алмашинувида иштирок этаётган сувлар қиради.



Гидросфера сувлари ер пусти ва атмосфера оралигида жойлашган булиб, академик В.И. Вернадскийнинг таъкидлашича, табиатдаги барча сувлар узаро узвий боғланган ягона тизимни ташкил килади. Гидросферанинг юқори чегараси ҳозирги замон тасаввурларига кура 8-17 километр ер юзидан баландликда, пастки чегараси эса ер пустининг асосига тугри келади деб ажратиш мумкин. Гидросферанинг ана шу қисмида тахминан 2,3 млрд.км³ сув ресурслари мавжуд. Агар бу хажмдан қимёвий боғланган сувларни эътиборга олмасак, бугунги кунда Ерда тахминан 1,39 млрд.км³ сув ресурслари мавжуд. Бу сувларнинг асосий қисми 97,5% - океан ва денгизларда жойлашган, фақат 2,5% қисми чучук сувларга тугри келади.



Чучук сув захираларининг асосий
кисми музликлар ва қор катламларига
тупланган бўлиб, Ердаги чучук сувлар
захираларининг **70%** ини ташкил қилади.

Кулларда тупланган сувларнинг
умумий захираси **176000 км³** ни ташкил
қилади. Тахминан унинг ярми
минераллашган сувлардан иборат.




Охирги йилларда утказилган хисобларга кура ер гидросферасидаги сувлар миқдори тахминан 0,9 млрд.км³ дан иборат ва Дунё океани сувлари захирасининг учдан икки қисмини ташкил қилади.


Дунё сувлари захирасига бу сувлардан фақат ер пусти юқори қисмининг чуқурлигига жойлашган 23,4 млн.км³ ер ости сувлари ҳамда абадий музлик минтақаларига жойлашган 300 минг км³ ер ости музлари киритилади.

Ер ости сувлари захираларининг асосий қисмини-10,5 млн.км³ - ер пустининг 500-600 м чуқурлигида жойлашган чучук сувлар ташкил қилади. Ердаги чучук сув захираларининг учдан бир қисми ер ости сувларини ташкил этади.

Табиатда сувнинг айланма ҳаракати



Круговорот воды в природе



Табиатда сувнинг катта айланма харакатида, денгиз юзасидан бугланган сув бугининг бир кисми хаво окими билан курукликка олиб кетилади, маълум бир шароитда куюклашади ва куруклик юзасига ёгин (кор, ёмгир) куринишида тушади. Ёгин сувлари ер юзиде ер ости ва сирти окимларини хосил килади ва океан, денгизларга кайтадан куйилади.

Сувнинг кичик айланма харакатида океан ва денгиз юзасидан бугланган сувларнинг маълум кисми хаво окими билан олиб кетилмайди ва шу хавзаларининг юзасига ёмгир ва кор куринишида кайтиб тушади.


Сувнинг ички айланма харакати курукликда содир булади. Куруклик юзасидан, дарё, кул ва усимликлардан бугланган сувлар, шу ернинг узига ёгин куринишида тушади.

Табиатда сувнинг айланма ҳаракатининг миқдорий ифодаси **сув мувозанати** дейилади.

Океанлар юзасидан йил мобайнида **505000 км³** сув бугланади. Унинг асосий қисми (458000 км³) океанлар юзасига ёгин қуринишида қайтиб тушади, лекин **47000 км³** ёки **9,3%** ҳаво оқими таркибида олиб кетилади ва **қурукликка** ёмғир ва қорлар қуринишида ёғади ҳамда қурукликдаги сув ресурсларини ҳосил қилади. Океанларга бир йил мобайнида дарё оқими қуринишида 45000 км³, ер ости сув оқими қуринишида деярли 2200 км³ сув келиб қуйилади.

Ер шарида сув мувозанати

Майдон	Майдон, км ²	Атмосфера ёгинлари		Ер ости ва юза сувларини нг умумий йигиндиси		Бугланиш	
		мм	минг км ³	мм	минг км ³	мм	минг км ³
Куруклик	149000	800	119	315	47	485	72
Дунё океани	361000	1270	458	130	47	1400	505
Ер шарида	510000	1130	577	-			



o8ode.ru

Круговорот воды в природе (тыс. км³)

Источник : ВМО

**Эътиборларингиз
учун раҳмат !**

